

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

М.Ҳайдаров Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий муаммолар: ишчилар норозилигининг сабаблари ва моҳияти.....	101
Т.Ахмедов Фуқаролар фаоллигини оширишда телевидениенинг ўрни.....	106
Ғ.Раҳмонов Мустақиллик йиллари Ўзбекистон сув ҳўжалиги тизимида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари.....	110
С.Ахмедов Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва Мажмаи баҳрайн” асари темурийлар давридаги маданий-маърифий жараёнлар тавсифи бўйича қимматли манба сифатида.....	115
Р.Расулова Туркистонга татар “сафарбарлик”лари хусусида	121

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.Сабирдинов, Д.Муратова Ўзбек-корейс халқ оғзаки ижодида оила ва оилавий қадриятлар масаласи	126
Э.Жабборов Ўзбек миллий адабиётида маърифатпарварлик қарашларнинг такомиллашуви.....	131
Б. Абдураҳмонова “Қутадғу билиг” асарининг вазн хусусиятларини ўргатиш.....	138

ТИЛШУНОСЛИК

Ғ.Хошимов, Н.Комилова Турли тизимли тилларда “Гендер” концепти ва уни воқелантирувчи воситалар майдонининг қиёсий тадқиқи	144
Н. Умарова Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида “Олтин” концептининг фрейм структураси.....	149
Г.Розиқова “Девону луғотит турк”да сўз маъносининг метонимия асосида кўчиши.....	155
А.Базарбаева Инглиз тили дарсликларида машқлар тақдимотининг назарий асослари	160
Д.Рахматуллаева Шарқ мутафаккирларининг ғоялари ва “Илм-маърифат” семемали бирликлар.....	164
Б.Баҳриддинова Замонавий ўқув луғатларининг таркибий тузилмаси хусусида.....	167
Н.Суярова Оламнинг лисоний тасвири ва “Белги” денотатив семали метафораларнинг шаклланиши	172
Б.Сулаймонов «Теорема» романининг лексикографик тадқиқи.....	176

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ф.Тошпўлатова Чет тилини ўрганиш учун ўқув материалларини танлаш ва ишлаб чиқиш тамойиллари	180
Г.Саидова Бошланғич синфларда инновацион технологияларни қўллашнинг шакл ва воситалари	184

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Л.В.Гормонов, Б.З.Зарипов, А.А.Грудков, В.А.Каримов Физиологик шароитларда каламушларнинг ингичка ичагида озуқа	
---	--

УДК: 41+0032/.3

«ТЕОРЕМА» РОМАНИНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК ТАДҚИҚИ

ЛЕКСИКОГРАФИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ РОМАНА «ТЕОРЕМА»

LEXICOGRAPHIC STUDY OF THE NOVEL «THEOREM»

Б.Сулаймонов¹¹Б.Сулаймонов

СамДУ, ўзбек тилшунослиги кафедраси мустақил тадқиқотчиси.

Аннотация

Мақолада лексикографик тадқиқотлар, уларни муайян ёзувчи ижоди бўйича тузиш, ундан кўзланган мақсад ва ёзувчининг индивидуал услубини белгилашдаги роли ҳақида, жумладан, Темурбек Тўрабоевнинг бадиий тафаккур олами, ўзига хосликни бутун бўй-баста билан тасаввур қилмоқ учун «Теорема» романидаги сўз ва сўзшакллар луғати ҳақида маълумот берилган.

Аннотация

В статье представлены сведения о лексикографических исследованиях, составлении лексикографии по творчеству конкретного писателя, указаны цель и роль этой работы в определении индивидуального стиля писателя, в том числе лексики и словаря словоформ в романе «Теорема» для представления мира художественного мышления Темурбека Турабоева во всей его полноте.

Annotation

This article presents the lexicographic studies, their formation based on the creation of a specific writer, the aim and the role of the lexicographical works in defining the individual style of an author, the lexical content of the novel "Theorem" by Temurbek Turaboev for presenting the artistic thought in its entirety.

Таянч сўз ва иборалар: лексикография, конкорданс луғат, алфавитли луғат, частотали луғат, ёзма лексикография, индивидуал сўз, сўзшакл.

Ключевые слова и выражения: лексикография, конкордантный словарь, алфавитный словарь, частотный словарь, письменная лексикография, индивидуальное слово, словоформа.

Keywords and expressions: lexicography, concordant dictionary, an alphabetical dictionary, a frequency dictionary, written lexicography, individual word, the word form.

Луғатшунослик жаҳон тилшунослигида ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам қадимдан давом этиб келаётган анъаналардан ҳисобланади. Муайян тилнинг сўз захираси инсонлар томонидан тузиладиган ранг-баранг луғатларда ўз аксини топади. Бинобарин, луғатлар тил сўз бойлигини ўзида сақловчи «тилла сандиқ» ҳисобланади. Ҳозирги пайтда тилшуносликнинг дунёдаги салафлари орасидаги мавқеи, қай даражада ривожлангани, бойлиги айна тилда яратилган луғатларнинг тури, миқдори ва сифати билан ўлчанади. Чунки жамиятдаги ҳар қандай ўзгариш, янги пайдо бўлаётган сўз ва сўзшакллар, тушунчалар биринчи навбатда луғатларда акс этади.

Ўзбек луғатшунослиги XX асрда ўзига хос кўринишда тармоқланди. Унинг энциклопедик, таржима, изоҳли, сўзлашгич каби турлари жадаллик билан ривожланди. Мамлакатимизда 1925-йилдан ҳозирги кунга қадар 50 дан ортиқ соҳа бўйича 140 тага яқин терминологик луғат нашр этилган [7]. Бу луғатларнинг ичида, айниқса, муайян бир ижодкор ёки унинг асари луғатини тузишга

йўналтирилган ёзувчилик лексикографияси алоҳида шаклланди. Бинобарин, бу тажриба жаҳон тилшунослигида, хусусан рус тилшунослигида XX асрда анча ривожланган эди [1,14-20, 11,6-7, 3,13-20]. Кўплаб ижодкорлар, хусусан, А.С.Пушкин, М.Горький, С.Есенин, Н.Некрасов, Гёте, А.Мицкевич, Т.Шевченко, М.Кольцов, М.Шолохов, Абай, М.Авезов кабилар ижоди юзасидан луғатлар тузилган эди.

Бу борадаги ишлар ўзбек тилшунослигида ҳам юзага келди. Дастлаб Алишер Навоий ижоди бўйича тузилган луғатларни санаш мумкин. 1983-1985-йилларда ЎзР ФА «Фан» нашриётида Э.Фозилов таҳрири остида тўрт жилддан иборат «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» (2013-йилда академик Э.Фозилов томонидан тўлдирилган, қайта изоҳланган «Алишер Навоий асарлари луғати») ва «Алишер Навоий асарлари конкорданси»нинг биринчи жилди чоп этилди. Шунингдек, Р.Қўнғуров ва С.Каримовларнинг «Зулфия асарлари тилининг луғати» (1981), С.Ризаевнинг «Ўзбек болалар адабиёти тили

ТИЛШУНОСЛИК

лексикасининг частотали луғати» (–Т.: Фан, 1980), «Статистическая структура лексики языка «Дивана» Хамзы Хакиим-заде Ниязи (Частотный словарь и конкорданс)» (–Т.: Фан, 1989), Н.Бўронов билан ҳамкорликда яратган «Абдулла Қаҳҳор «Синчалак» повести тили лексикасининг частотали луғати» (–Т.: Ўқитувчи, 1980); Д.Ўринбоевнинг «Ўзбек халқ дostonлари тилининг частотали луғати» (2006), Д.Ўринбоева ва У.Умирзоқовнинг «Ўзбек халқ дostonлари тилининг алфавитли-частотали луғати» (2006), Т.Мирзаев, Ж.Эшонқул ва С.Фидокорларнинг «Алпомиш» дostonининг изоҳли луғати (2007), Г.Жуманазарова «Фозил Йўлдош ўғли «Ширин билан Шакар» дostonининг изоҳли луғати» (2007), С.Каримов, А.Қаршиев ва Г.Исроиловаларнинг уч жилдлик «Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати. Алфавитли, частотали, терс луғатлар» (2007) каби луғатлар яратилиши билан ўзбек тилшунослигида ёзувчилик лексикографияси соҳаси луғатчилигимизнинг алоҳида йўналиши сифатида тан олинди. Бу борадаги кузатишлар кўламига И.А.Кисцен, С.Ризаев, С.Муҳаммедов, Н.Бўронов, Р.Қўнғуров, С.Каримов ва Ш.Махматмуродовлар томонидан яратилган луғатларни ҳам киритиш мумкин [4, 5, 6, 8, 9].

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ўзбек луғатшунослиги янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг ўзбек тилшунослигининг барча соҳаларида янги луғатлар яратилди. Аввал нашр қилинганлари қайта таҳрирдан ўтказилиб, мукаммаллаштириб чоп этилди. Бугунги ўзбек луғатшунослиги компьютер технологиялари даражасида ривожланмоқда. Луғатларнинг замонавий технологияларга асосланган янги электрон типлари яратилди. Айниқса, ўзбек луғатчилигида алфавитли, частотали, терс луғатларининг янги шакллари юзага келди. Алоҳида олинган шоир ва ёзувчилар асарлари матнларининг луғатлари яратилиб, электрон базалари шакллантирилди.

Бу борада кенг кўламли илмий изланишлар олиб борган тилшунослар Р.Қўнғуров ва С.Каримов ижодкорларнинг тили ва услубини ёки ўзбек тили бойлигига қўшган ҳиссасини аниқлаш учун уларнинг асарлари юзасидан луғатлар тузиш лозимлигини таъкидлашган: «Ёзувчининг бадий маҳоратини, санъаткорлигини аниқлашда ҳам фақат интуициягагина асосланиш юқоридаги камчиликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Айрим индивиднинг ўз интуицияси асосида олиб борган ишини денгиз қаъридан моҳир жавоҳир терувчи меҳнатига қиёс қилайлик. У қанчалик моҳир бўлмасин, денгиз ёки дарё тагидаги жавоҳирнинг ҳаммасини тўлиқ териб ола олмайди, кўзига кўриниб турган катта-катта жавоҳирларни териб олса-да, кўпгина майда жавоҳирлар, айрим тош ёки тупроқ тагидаги кўзга тездагина ташлана бермайдиганлари қолиб кетади. Баъзан ана шу назардан четда қолган майда жавоҳир кўзга аниқ ташланиб турган катта-катта жавоҳирдан қимматлироқ, тозароқ бўлиши мумкин. Масалага шу нуқтаи назардан қаралса, маълум бир даврда ижод этган шоир ёки ёзувчилар гуруҳининг, ё айрим олинган ижодкорлар асарлари тилининг тўлиқ луғатини тузишнинг аҳамияти қай даражада эканлигини тушуниш қийин бўлмайди» [11.5]. Демак, муайян шоир ёки ёзувчининг ижод манераси бўйича ишончли илмий хулосалар уларнинг ижоди бўйича лексикография ва статистик кузатишлар олиб бориш орқали олинади.

Ана шу нуқтаи назардан, бадий асар тилини ўрганишда лексикографик ва статистик тадқиқ методларига таяниб иш олиб бориш мақсадга мувофиқ. Соҳа тадқиқотчилари бу борадаги масалалар нечоғли муҳимлигини қуйидагича изоҳлашган: «Ҳозирги кун талаби нуқтаи назаридан маълум шоир ёки ёзувчи ўзи ижод қилаётган тилининг дурдонасидан қай даражада фойдалана олди? Ёзувчи ўзи тасвирлаётган предмет образини, илгари сураётган ғояларини тингловчига тўғри етказиб бера оладими, тили унинг онгига, психикасига таъсир қиладиган восита даражасига қўтара оладими? Шоир ва ёзувчилар ёки алоҳида олинган муаллиф асарлари ўз даври адабий тилининг бойлигини қай даражада акс эттирди, улар ўз даври адабий тилининг тараққиётига қандай ҳисса қўшди?» [11.5] Шу маънода ҳозирги замон ўзбек тилининг ёрқин хусусиятларини ўзида акс эттирган Темурбек Тўрабоевнинг «Теорема» романи матнининг луғатини яратиш ҳам маълум илмий-амалий аҳамиятга эга бўлади.

Профессор С.А.Каримов роман тузилиши ҳақида шундай дейди: «Романда бизнинг ҳисобимизча, 1571 та сўз 6166 сўзшаклда 15146 марта қўлланилган. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» беш жилдлигини олиб қарасак, унда «т» товуши билан бошланувчи 2684 та сўзга дуч келдик. Бу ерда гап сўзлар нисбатининг тенг келган-келмаганлигида эмас. Муаллиф она

тилимиздаги «т» билан бошланувчи луғатдаги барча сўзлардан фойдаланмагани аниқ. Аслида, бу, муаллифнинг вазифасига кирмайди ҳам. Унда гап нимада? Гап муаллифнинг мавжуд сўзлардан қандай фойдаланганлигида, уларнинг бадиий-эстетик имкониятларини қай даражада юзага чиқара олганлигида. Айни пайтда, «Изоҳли луғат»да учрамаган сўзларни қадимги тилимиздан, шеваларимиздан олиб, уларни бадиият майдонига дадил олиб кирганлигида ва уларга ҳам маълум маънода бадиий-эстетик вазифа юклай олганлигида» [2]. Таъкидлаш жоизки, ёзувчи бу вазифани асарда маромига етказиб бажарган.

Дарҳақиқат, муайян ижодкор луғатини тузишга киришишдан аввал унинг яратиш тамойилларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Кузатишларимизга таяниб айтишимиз мумкинки, соҳа мутахассислари луғат учун дастлаб манба танлаш, тузиш усулини белгилаб олиш ва шундан сўнг сўзликни яратишга киришиш лозимлигини қайд этилади. Манба сифатида олиниши кўзда тутилган ижодкор асарининг мукамал тўплами яратилмасдан туриб, асарларининг тўлиқ сўзлигини тузиб бўлмайди. Чунки шундай пайтда ҳам ижодкор архивидаги материаллар, нашр этилмаган кўлёмалар эътибордан четда қолиб кетиши мумкин. Балки бундай мукамалликка унинг алоҳида олинган бир асари мисолида эришиш мумкин бўлар. Шунинг учун бўлса керак, кўпчилик тилшунос-лексикографлар ёзувчиларнинг тўлиқ сўзлигини тузишдан кўра, муайян бир асари бўйича луғат тузиш қулай ва кўлам чегараланиши хусусида мулоҳаза юритадилар. Биз ҳам ана шу йўсинда ишни давом эттириш мақсадида «Теорема» романининг частотали ва сўзлик луғатини тузишни мақсад қилдик.

Темурбек Тўрабоевнинг «Теорема» романи матни луғатини яратиш учун адибнинг 2012 ва 2019-йилларда «Муҳаррир» нашриёти томонидан чоп этилган «Теорема» романи материал вазифасини ўтади. Бу материал адиб ижодий тафаккури, бадиий маҳорати ва тилдан фойдаланишдаги ўзига хос услуби ҳақида бирмунча тўла ва асосли хулосалар чиқаришга имкон беради.

Жаҳон лексикографиясида луғат тузишнинг тематик, комбинатор, ғоявий, алфавитли каби усуллари орасида алфавитли сўзлик тузиш усули маъқулланган ва ёзувчилик лексикографиясида шу усулдан кўпроқ фойдаланилаётганлигини [3.14]

инобатга олиб, биз ҳам романнинг сўзлигини тузиш усулини белгиладик. Бинобарин, бугунги кунда компьютер технологияси ёрдамида сўзлик яратиш муаммоси анча енгиллашган. Ўтган асрда луғатшуносларнинг қўлда бир неча йиллар давомида бажарган машаққатли ишлари ҳозирги кунда компьютер ёрдамида бир неча кунда бажарилмоқда. Шунингдек, тўпланган факт ва материалларнинг ишончлилиги билан қўлда яратилган луғатларга нисбатан анча мукамаллиги билан ажралиб туради.

«Теорема» романи матнининг луғатини шу йўсинда яратиш мақсад қилиб қўйилди. Луғатшунослар О.Карпова ва Л.Ступинларнинг «Ёзувчи тилининг луғати унинг ижодида мавжуд бўлган барча лексик бирликларни, жумладан, эскирган ва тўлиқ истеъмолдан чиққан сўзларни, шунингдек, индивидуал-муаллифлик ясалмаларини ҳам акс эттиришга мўлжалланган бўлади. Бошқача айтганда, умумхалқ тили луғати ўз сўзлигини синхрон ва диахрон жиҳатдан қандайдир маънода чегаралайди. Ёзувчи тили луғати эса, моҳият эътибори билан синхрон планда ҳам, диахрон планда ҳам ҳеч қандай чекловларни тан олмайди» [3.14] деган фикрларига таянган ҳолда иш кўришга ҳаракат қилинди. Луғатда биратўла сўзлар частотасининг берилиши ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Аслида луғат ёзувчининг тилдан фойдаланиш индивидуаллигини намоён этувчи амалий жараён ҳисобланади. Ундан ижодкор услубига хос бўлган, унинг прагматик мақсадини юзага чиқаришга хизмат қилган сўзларни аниқлаш имконияти туғилади. Сўзлик луғат компьютер ёрдамида тузилганлиги учун бу борада юқори даражадаги аниқликка эришилди, деб ҳисоблаймиз. Роман матнида сўзлар қандай ҳолда учраса, луғатда ҳам шу ҳолатда келтирилди. Шу сабабли компьютер ёрдамида уларнинг статистик жиҳатдан аниқ маълумотларини олиш имкони юзага келди.

Муайян ижодкорнинг тили ва услубини ўрганишнинг луғат шаклида амалга оширилиши ижод маҳсулининг афзалликлари ва камчиликларини аниқ тасаввур қилиш имконини яратади. Луғатни тузиш учун тўпланган материаллар романдаги умумтил ёки диалектал лексик элементларни ажратишда ҳам қўл келади.

«Теорема» романи тилининг луғати устида олиб бориладиган ишимизнинг дастлабки босқичида асарнинг учала нашрининг электрон вариантлари яратилди ва шу орқали романнинг умумий луғат фонди

аниқлаш мумкин бўлди. Кейинги босқичда филологик аниқликлар киритиш мақсадида луғатдаги сўзларнинг изоҳлаш учун компьютер ёрдамида романда қўлланилган ҳар сўз микрокуршовини ташкил этадиган картотекалар тузилди. Гарчи тартиб берилган бу луғатлар орфоэпик, орфографик, изоҳли луғатлар каби оммавийликни даъво қила олмас-да, ундан аниқ филологик мақсадларда фойдаланиш кўзда тутилади. Биринчидан, маълум шоир ёки ёзувчининг тилдан фойдаланиш қўламини аниқлаш имкони туғилса, иккинчидан, бадиий матнлар устида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш, учинчидан, адабий асарлар тилини таълимнинг турли босқичларида ўрганишда қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Бинобарин, луғат мақолаларида сўз маъносини акс эттириш эса фавқулодда муҳим ва мураккаб вазифа бўлиб ҳисобланади. Чунки, агар бу ерда ёзувчи ўз ижодида қўллаган маъноларнинг барча гаммаси акс этмаган бўлса, бу ёзувчи тили лексик-семантик тизимининг тўла ишлаб чиқилганлиги ҳақида гапириб бўлмайди [3.15]. Луғат мақолаларда ёзувчининг индивидуал сўз, сўзшакл ижод қилишини кўрсатиш, уларнинг услубий маъноларини аниқлаш, узул ва окказионал ракурсларда баҳолаш ҳамда лексикографик тавсифини бериш ҳамда сўз ясашиши моделларини кўрсатиш каби жиҳатлар қамраб олинади. Бу луғатлар одатдаги изоҳли луғатлар билан умумийликни

ташкил қилса-да, хусусий томонлари билан фарқланади, яъни бу луғатда асосан ёзувчи услубиятига, ижодига доир воситалар изоҳланади. Ф.Филин таъкидлаганидек, «индивидуаллиги маълум бўлиб турадиган ёзувчи тилининг ўзига хослиги, унинг стилистик хусусиятлари чегарасини ҳамма вақт ҳам аниқлаш мумкин бўлавермайдиган катта матнларда гавдаланади» [10. 6-5]. Олим ёзувчилар индивидуаллигини ёритувчи луғатлар унинг ғоявий-бадиий ниятини тўлиқ ёрита олмаслигини таъкидлаб, ижодкорни тўла маънода англаш учун, сўзга юклаган эмоционал-экспрессив вазифаларни тушуниш учун қўшимча махсус тадқиқотлар зарурлигини таъкидлайди. Ушбу изланиш жараёнида эса ёзувчилар луғати тадқиқотчилар учун ишончли манба бўлади.

Темурбек Тўрабоев тили ўзбек бадиий тили тарихида муҳим ҳодисадир. Адибнинг бадиий тафаккур оламини, асарларидаги бадиий нафосат ва ифодадаги ўзига хосликни бутун бўй-басти билан тасаввур қилмоқ учун унинг луғат бойлиги манзараси ҳам кўз олдимизда яққол намоён бўлиши лозим. Ушбу луғат эса бу вазифани амалга оширишда энг ишончли йўл ва воситадир. Гарчи ушбу луғат бошқа изоҳли луғатлар сингари оммавий бўлмас-да, муайян ижодкорнинг лингвистик маҳоратини аниқлаш имконини беради ва бадиий асар тили бўйича тадқиқотлар олиб борувчилар учун методик қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Бектаев К.Б., Кенесбаев С.К., Питровский Р.Г. Об инженерной лингвистике // Вопросы языкознания, 1973. -№2.
2. Каримов С. «Теорема»нинг тили тўғрисида// Теорема. (Танҳо «Т»дан тўраган тетралогиянинг тузатилган, тўлдирилган тўнғич томи). – Т., “Мумтоз сўз”, 2019.
3. Карпова О.М., Ступин Л.П. Советская писательская лексикография // Вопросы языкознания, 1982. - №1.
4. Кисцен И.А. Словарь наиболее употребительных слов современного узбекского литературного языка. – Т., 1972;
5. Махматмурадов Ш. Словарь языка поэтических произведений Хамзы. – Т.: Изд-во литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1989.
6. Мухаммедов С. Ўзбек тилининг алфавитли-частотали луғати (газета текстлари асосида). – Т., 1982; Ps://uz.m.wikipedia.org/wiki/lug%
7. Ризаев С. Ўзбек совет болалар адабиёти тилининг частотали луғати. – Т., 1980;
9. Ризаев С., Бўронов Н. Абдулла Қаҳҳор «Синчалак» повести тилининг частотали луғати. – Т., 1986;
10. Филин Ф.П. О словаре языка В.И.Ленина // Вопросы языкознания, 1974. -№.
11. Қўнғуров Р., Каримов С. Зулфия поэзияси тилининг луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1981.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).